КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Сифат диққат марказида

«Қизил тонг» тикувчилик фирмасида РКП(б)нинг X съездига бағишланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилди. Ўн кун мобайнида корхона коллективи зарбдор суръатда меҳнат қилиб, планга қўшимча 40 минг сўмдан зиёд маҳсулот тайёрлайди. Бу маҳсулотларнинг бешдан бир қисми асосан Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади. Умуман маҳсулот сифатини яхшилаш корхона коллективининг диққат марказидадир.

Якунловчи йилда «Қизил тонг» фирмасининг коллективи томонидан ишлаб чиқарилган 13 моделдаги эркаклар, аёллар ва болаларнинг пальтоларига Давлат Сифат белгиси берилди. Бундай ютуқларга фирмада сифатни бошқариш системаси ишини комплекс ташкил этиш ҳисобига эришилди. Сифатни бошқариш системаси фақат маҳсулот сифатинигина назорат қилиб қолмасдан, ишлаб чиқаришни ўз вақтида хомашё билан таъминлашга, тайёр маҳсулотларни омборхоналарда сақлаш ҳолатини яхшилашга, ҳамда тикув жараёнида йўл қўйилаётган баъзи бир камчиликларни бартараф этишга муяссар бўлмоқда. Маҳсулот сифатини яхшилашга имконият яратиб бераётган омилларнинг яна бири бичиш ва тикиш ишларида такомиллашган технологияни жорий этишдир.

Ҳозир фирмада сифатни комплекс бошқариш системасининг дастлабки звеноси иш олиб бормоқда. Бу эса бичишдан тортиб, то дазмоллашгача бўлган жараёнда буюмлар сифатини ошириш имконини бераётир.

Маҳсулот сифатини ошириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришга ҳам катта эътибор берилаётир. Ишлаб чиқариш зарбдорлари З. Лебедева, С. Кривошапова, И. Сумматуллина, А. Гурецкаялар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. 43 ишчи эса КПСС XXV съезди очилишига қадар келгуси йилнинг уч ойлик топшириқларини бажариш бўйича бошланган ташаббусга қўшилди.

Келгуси йилларга қабул қилинган тараққиёт программасида 126 моделдаги кийимларни Давлат Сифат белгисига тайёрлаш вазифаси белгиланди. Корхонада маҳсулотларни биринчи тақдимдаёқ топшириш кўрсаткичи келгуси йилларга келиб, 95 процентга ўстирилади. Ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришда 500 моделдаги кийимлар тайёрлаш ўзлаштирилади.

Тошкент трактор заводининг коллективи партиямиз XXV съездини улкан меҳнат ғалабалари билан нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: завод тайёр маҳсулот топшириш участкаси коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоларидан Р. Мухторов, В. Исаев, Ю. Балакирева Н. Шарафуддинов ўртоқлар. Бригада 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СЪЕЗДГА МУНОСИБ АРМУҒОН

КПССнинг XXV съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган қоғоз комбинатининг ишчилари бугунги кунгача 500 тоннадан зиёд турли хил қоғоз, 155 тонна картон, 36 тонна бошқа маҳсулотлар тайёрлаб, юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Комбинат цехларида ҳар куни 500 минг донадан ошириб дафтар тайёрланмоқда.

Корхона коллективининг бундай ютуқларга эришишида А. Передильников, З. Холназарова, Т. Султонова, Т. Маҳмудова каби пешқадам ишчиларнинг ҳиссалари баракали бўлмоқда.

Корхона коллективи ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб йиллик планни 20 декабргача бажариш, планга қўшимча 15 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга бел боғлаган.

Қ. МАЛИКОВ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 217 (2809)
ЧОРШАНБА
17 СЕНТЯБРЬ 1975 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Бугун

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «ИРМОНТАЖСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МАХСУС СОЗЛАШ ВА ИШГА ТУШИРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ 6 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИШ БАЖАРИБ, БЕШ ЙИЛЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ АДО ЭТДИ.

Беш йиллик мобайнида бошқарма коллективи томонидан халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Булар — Қарши магистрал канали, Қаршидаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, Янгиер шаҳридаги труба заводи, Янтоқ насос станцияси ва Мирзачўл совхозларидаги қатор насос станцияларидир.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан бошқарма коллективи зиммасига янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Якунловчи йил плани 5 декабрда адо этилиб, беш йилликка қабул қилинган мажбуриятга қўшимча 0,5 миллион сўмлик созлаш ва ишга тушириш ишлари адо этилади.

С. МИРСАИДОВ,
«Ирмонтажстрой» трести махсус созлаш ва ишга тушириш бошқармасининг бошлиғи.

Тонгги газеталарда

★ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Канада парламенти умумпалатасининг спикери Д. Жером бошчилигидаги Канада парламент делегациясини 15 сентябрда Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат вақтида Совет — Канада муносабатларини ривожлантириш масалалари, шунингдек муҳим халқаро проблемалар қараб чиқилди. Н. В. Подгорний Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ҳар иккала мамлакат халқлари манфаатларига, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

★ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Москвада меҳмон бўлиб турган Куба Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Куба Республикаси Бош министрининг ўринбосари К. Р. Родригесни кеча Кремлда қабул қилди. Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат давомида Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

★ 1975 йил 16 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос — 760» учирилди.

Делегация қайтиб келди

СОФИЯ, 16 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси бугун Софиядан жўнаб кетди.

Делегация Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг таклифига биноан жавоб визити билан Болгария Халқ Республикасига келган эди. Делегация Болгариядаги социалистик революциянинг 31 йиллиги байрамида қатнашди, мамлакат бўйлаб сафар қилди, экономика ва маданиятнинг ривожланиши билан, Халқ мажлиси ва унинг доимий комиссияларининг фаолияти билан танишди, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари коллективлари билан учрашди.

Делегацияни БКП Марказий Комитети Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Тодор Живков қабул қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси 16 сентябрда Москвага қайтиб келди. Делегация БХР Халқ Мажлисининг таклифига биноан жавоб визити билан Болгария Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турди.

Аэродромда делегацияни СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. М. Қиличев, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида БХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили К. Атанасов бор эди.

(ТАСС).

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

• Шаҳар—қишлоққа

ҚИШЛОҚ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ УЧУН

РКП(б)нинг X съездига бағишланган декаданй зарбдор суръатларда бошлаган экскаватор-ремонт заводининг коллективи декада мобайнида планга қўшимча дала механизаторлари учун битта турар жой вагони ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Корхона коллективи иш суръатини тобора жадаллаштириб, қабул қилган мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди.

Бугун

планга қўшимча ишлаб чиқарилган такомиллашган моделдаги битта вагон-уй дала механизаторлари учун жўнатилди. Буюртмани муддатидан илгари адо этишга 5-цехнинг П. Исамуҳамедов бошлиқ дурадгорлар бригадаси муносиб ҳисса қўшди. Ремонтчилар тез орада оталиққа олган пахтакор хўжаликларга асбоб-ускуналар етказиб берадилар.

Юз хил гулли газлама

Тўқимачилик комбинатининг читга гул босиш фабрикасида йил бошидан буён Сифат белгиси билан чиқарилган «Ягодка» газламасидан 130 минг метрдан ортиғи тушириб олинди. Корхона меҳнатчилари яқинда яна икки маҳсулот — маль-маль ва қўзиқорин гулли сатинни Давлат Сифат белгисига топширдилар. Комбинат рассомлари, мутахассислари шу йили юз хил гулли газлама ишлаб чиқдилар ва уларни ўзлаштирдилар.

ДЎСТЛАР, ЯНА УЧРАШГУНЧА ХАЙР!

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет катта театрининг Киевдаги гастроллари украин ва ўзбек халқларининг дўстлиги китобига ёрқин саҳифа бўлиб қўшилди. Серқуёш республиканинг артистлари бир ярим ой мобайнида элликдан зиёдроқ спектакль кўрсатдиларки, уларда 70 минг томошабин қатнашди. «Ленинская кузница» заводида, «Большевик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, Киев областидаги Баришевка районида, Украина Композиторлар союзида тошкентликлар билан кишини тўлқинлантирувчи учрашувлар бўлиб ўтди.

Украина вокал, классик хореографиянинг ажойиб намуналарини кўрсатган кекса авлоднинг, талантли ёшларнинг истеъдодини юксак даражада баҳолади.

А. Навоий номли театр коллективининг Киевга қилган гастроллари Т. Г. Шевченко номли Киев опера ва балет театрининг саҳнасида катта якунловчи концерт билан тугади. Киев опера театрининг солисти СССР халқ артисти Е. Мирошниченко меҳмонларга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилди. У Украина пойтахти театр ва музика жамоатчилиги номидан ажойиб санъатлари учун меҳмонларга ташаккур изҳор этди. Бу ажойиб санъат Ўзбекистон музика маданиятининг равнақидан, дўстлигининг самимийлигидан далолат берадики, бу дўстлик ҳароратини биз бутун гастроль мобайнида сезиб турдик.

— Биз ўз чиқишларимизни қадрдонимиз Украинага ижодий ҳисоботдек баҳоладик, — деди жавоб нутқида А. Навоий номли театрнинг бош дирижёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Д. Абдураҳмонова. — гастролларимиз маънавий бойликларимизни ўзаро баҳам кўришга, маданиятларимизнинг ўзаро бойишига ёрдам берди.

РаТАУ — ЎзТАГ мухбири.
Киев шаҳри.

ҚАРДОШ ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИГА

А. Навоий номли Ўзбекистон давлат академик катта театри Киевда бир ярим ой мобайнида гастролда бўлди. Театр коллективи ўз маҳоратини намойиш қилиши республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Спектакллар томошабинларни Ўзбекистоннинг ёрқин санъати билан таништирди. Артистларнинг юксак вокал ва хореографик маданиятини, уларнинг самарали ижодий изланишларини намойиш қилиб кўрсатди.

А. Навоий номли театр Киевдаги гастроллари вақтида меҳнаткашлар ҳузурида ўз санъатини муваффақиятли намойиш этганлиги учун Украина ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушецкий ана шу юксак мукофотни театр вакилларига топширди. У Ўзбекистон артистларини қизғин табриклаб совет социалистик маданиятини ривожлантиришда уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

(Ратау — ЎзТАГ мухбири).

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

МОНТАЖ ТУГАДИ

Усмон Юсупов кўчасидаги тўққиз қаватли турар жой биноси қурилишида меҳнат қилаётган уйсозлик комбинати 1-монтаж бошқармасининг Алексей Жихарев бошлиқ монтажчилар бригадаси съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Бугун

бригада қурувчилари темир-бетон панелларни монтаж қилиш ишларини туғаллади. Бунга Солиҳ Аҳмедзянов, Рифқат Ботиржонов, Александр Голдобинлар катта ҳисса қўшишди.

★ УЙ МУБОРАК!

БИНО ТАЙЁР

Бугун

ЧИЛОНЗОР МАССИВИНИНГ «Д— 19«а»» КВАРТАЛИДА ТЎРТ ҚАВАТЛИ, 32 КВАРТИРАЛИ ЯНА БИР ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Уйсозлик комбинатининг иккинчи монтаж бошқармаси ишчилари турар жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топшириб, объектда 6 минг сўм тежаб қолишди.

Сабзавот савдоси чаққон

Чилонзор райпищеторгига қарашли савдо муассасалари ўтган саккиз ярим ой мобайнида аҳолига сабзавот реализация қилиш планларини анча ошириб бажардилар. Савдо ходимларининг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилган кооператорлар аҳолини янги сабзавот ва мевалар, полиз маҳсулотлари билан таъминлашда пешқадамлик қилишмоқда. Улар бугун йил бошидан буён аҳолига 3441,64 тонна ёз неъматлари сотганликлари ҳақида рапорт бердилар. Мусобақада пешқадамлик қилаётган Чилонзор райпищеторги ходимлари йил охиригача аҳолига ҳаммаси бўлиб 3748,4 тонна маҳсулот сотишга аҳд қилишган.

СУРАТДА: 1-троллейбус депосининг илғор ҳайдовчи-инструктори ёш ҳайдовчиларнинг устози Абдуҳаким Файзиев. У ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Миллионер ҳайдовчилар

Бугун

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ 2-ТРОЛЛЕЙБУС ПАРКИНИНГ ҲАЙДОВЧИСИ М. ХУЖАЕВ МАНЗИЛИГА ЕТКАЗГАН ЙУЛОВЧИЛАР СОНИ 2 МИЛЛИОН 500 МИНГГА ЕТДИ. БУ ИЛҒОР ҲАЙДОВЧИ УЗИНИНГ КУП ЙИЛЛИК ИШ ФАОЛИЯТИДА ЕШЛАРДАН БИР ҚАНЧА ШОГИРДЛАР ТАЙЕРЛАДИ.

Паркда шу кунларда У Қосимов, А. Лисов каби кўплаб миллионер ҳайдовчилар бор. Уларнинг ҳар бири ўз ихтиёридаги транспортни ремонтсиз бошқариб, зиммага олинган топшириқларни ортиғи билан бажармоқда. Ленин район Совети депутати, 16-маршрут ҳайдовчиси В. Кузнецова, Ленин район Совети депутати Г. Кашаева каби ҳайдовчилар социалистик мусобақада актив қатнашиб, меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан халқаро хотин-қизлар йилини муносиб нишонламоқдалар.

Парк коллективи бор имкониятлардан самарали фойдаланиб, шу йилнинг ўтган даврида 30 миллион йўловчи ташиди. Айни кунларда ҳайдовчилар КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун йиллик планга қўшимча 250 минг йўловчини манзилга етказиш учун оширилган мажбурият билан меҳнат қиляптилар.

• Саёҳат—роҳат

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Бугун

Тошкент «Агрегат» заводининг илғор ишчиларидан О. Малахов бошчилигидаги бир группа меҳнат ғолиблари Германия Демократик Республикасига саёҳатга жўнаб кетишди.

Заводда меҳнаткашларнинг унумли ишдан кейин ҳордиқ чиқаришлари учун имкониятлар яратилган. Шу йилнинг ўтган даврида 50 дан ортиқ ишчи мамлакатимизнинг кўплаб қардош республикаларида, ўндан ортиқ киши дўстлар диёри — Чехословакия, ГДР, Польша бўйлаб саёҳатда бўлдилар. Шунингдек, 82 киши мамлакатимизнинг дам олиш уйлари ва санаторийларида ҳордиқ чиқарди.

Корхонада икки кунлик дам олиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Завод касаба союз комитети қадимий ва навқирон — Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатлар ташкил этяпти. Бу ишчиларни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

• Жонажон Ватан бўйлаб

Ярим миллион киши ороми

Бугун

шаҳримиздаги турли корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларидан иборат саёҳатчилар группаси Болтиқ бўйи республикаларидаги Мажикай ва Паланга оромгоҳларига жўнаб кетишди. Улар 20 кунлик дам олиш вақтларини ана шу ерда ўтказишади.

Саёҳатчиларнинг яна бир группаси эса Вильнюс — Шауляй — Паланга маршрути бўйлаб сафарга чиқиш тараддудини кўрди. 18 кун давом этадиган бу саёҳатда туристлар сўлим оромгоҳларда дам оладилар ва диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳат қиладилар.

Шаҳар экскурсия ва саёҳатлар бюроси коллективи туристларга ҳар томонлама қулай хизмат кўрсатиш мақсадида хизматнинг ўнлаб янги усулларидан фойдаланмоқда. Бюро коллективи йил бошидан буён ярим миллиондан ортиқ кишига хизмат кўрсатди. Саёҳатчи ва экскурсиячиларга хизмат кўрсатиш беш йиллик плани муддатидан илгари шараф билан бажарилди.

• *Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

Яқинда ҳамшаҳарларимизга яна бир янги дорихона хизмат кўрсата бошлади. У Тошкент Давлат медицина институти турар жой массивидаги тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватига жойлашган. Барча қулайликларга эга бўлган бу бинода дориларни тайёрлаш ва буюртмалар қабул қилиш пунктлари бор. Бундан ташқари, янги келтирилган дорилар билан шифокорларни таништириш хонаси ҳам мавжуд.

Бугунги кунда шаҳримизда 98 та дорихона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Ҳадемай бу рақам яна ошади. Йил охиригача ҳамшаҳарларимизга Чилонзор массивининг 14-кварталида, Собир Раҳимов районидаги 1-микрорайонида ва Куйбишев районидаги Тракторсозлар массивида яна шундай дорихоналар хизмат кўрсата бошлайди.

«Икарус» заводи ҳар йили Совет Иттифоқига 6 минг автобус — ишлаб чиқарилган маҳсулотининг ярмидан кўпини етказиб бермоқда. Корхона коллективи шу йилнинг биринчи ярми планини муддатидан илгари бажарди: конвейерлардан 5230 автобус тушириб олинди, шулардан 4972 таси Венгрия автомобилсозларининг энг йирик харидори бўлмиш Совет Иттифоқи ва ГДРга жўнатилди.

СУРАТДА: Совет Иттифоқига жўнатиш учун тайёрланган «Икарус-250» автобусларининг навбатдаги туркуми.

МТИ—АПН фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

★ РИМ. «Италия — СССР» жамиятининг Салерно шаҳрида барпо этилган янги бўлими иш бошлади. Уни очиш маросимида шаҳар мэри А. Кларицца, сиёсий партияларнинг вакиллари, «Италия — СССР» жамиятининг активлари қатнашдилар.

Ҳозир Италияда жамиятнинг 43 бўлими бор, деб [illegible] ТАСС мухбири билан суҳбатда жамият секретари К. Басси.

★ ИСЛОМОБОД. Покистон аҳолисининг сони 70 миллион 300 минг кишига етди. 1972 йилда ўтказилган кейинги рўйхатга нисбатан аҳоли 5 миллион 400 минг киши кўпайган.

★ ДОР-УС-САЛОМ. Мозамбик пойтахти Глоренсу — Маркиш шаҳрида ўтказилган халқаро ярмарка [illegible] Ярмаркада 15 мамлакат [illegible]

★ МОГАДИШО. Сомали Демократик Республикаси Олий революцион кенгаши [illegible] ҳосил йиғимида деҳқончилик кооперативларига ёрдам кўрсатиш ҳаракати авж олдириб юборилди. Бу ҳаракатда ишчилар ва хизматчилар, студентлар, ўқувчилар қатнашмоқда.

★ БЕРЛИН. Социалистик мамлакатлар эстрада санъатининг «Дрезден-75» фестивали тантанали концерт билан якунланди. [illegible] Понаровская (СССР) ва Вероника Фишер (ГДР) фестивалнинг биринчи мукофотини олишга муяссар бўлдилар. Совет ашулачиси Эльба соҳилидаги шаҳар обербургомистри таъсис этган махсус мукофотни ҳам олди.

Социалистик мамлакатлар эстрадасининг Дрезденда ўтказилган кўригида Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Румыния, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия ва Куба Республикасининг солистлари ҳамда чолғу ансамбллари қатнашди.

★ СОФИЯ. Болгариянинг Варна шаҳрида «Славян маданияти ва балқон мамлакатлари» деган мавзуда халқаро илмий конференция очилди. Конференция ЮНЕСКО ташаббуси билан чақирилган. Унда СССР, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Болгария, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия, Австрия, АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Греция, Франция ва Буюк Британия олимлари қатнашмоқдалар.

★ ЛОНДОН. Пианино чалувчиларнинг Лидсда ўтказилган V халқаро конкурсида совет пианино чалувчиси Дмитрий Алексеев биринчи ўринни олди.

Икки ҳафта давом этган конкурсда 33 мамлакатдан келган 72 бастакор иштирок этди.

(ТАСС).

•МУСОБАҚА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

ЭНГ МУҲИМИ — ОММАВИЙЛИК

«Ўзбексельмаш» заводи қуюв цехининг қоришма тайёрлаш участкасидаги Мирза Зокиров бошлиқ бригада энг илғор коллективлардан биридир. Бригада фаолияти ишлаб чиқаришга прогрессив форма ва методларни қўллашга интилиш, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш, меҳнатга ижодий ёндошиш билан характерланади. Цех касаба союз комитетининг раиси Уткир Багутов «бизнинг машъалларимиз», — дейди бригада ҳақида фахрланиб.

Дастлаб бригада бошлиғидан коллективнинг ким билан мусобақалашаётганлиги ҳақида сўрадик.

— Чиндан ҳам ким билан мусобақелашяпмиз?— елка қисиб такрорлади М. Зокиров.— Ким билан дир мусобақалашаётган эдик.

Цехком раиси У. Багутов бригада бошлиғига ёрдамга келди.

— Цехимизда деярли барча ишчилар социалистик мусобақанинг турли формаларига жалб этилган, — дейди У...

Биз Зокиров бригадасини қайси коллектив билан мусобақалашаётганини билмоқчи эдик, сўрадик ундан.

Цехком раиси ажабланган ҳолда ҳаммасини аниқлаш учун қаёққадир йўл олди. Бригадир билан суҳбатни давом эттиряпмиз. Коллектив шубҳасиз яхши меҳнат қилмоқда. Бригада бошлиғи коллектив аъзоларини юқори кўрсаткичга эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида олиб бораётган курашлари тўғрисида берилиб сўзлади. Шу пайт У. Багутов ёнимизга яқинлашди:

— Қоришма тайёрлаш участкасида меҳнат қилаётган Зокиров бригадаси стерженлар тайёрлаш участкаси билан мусобақадош. У ерда ҳам илғор коллектив меҳнат қиляпти, маълумот берди у.

— Август ойида уларнинг қайси бири ғолиб топилди?

Саволимиз жавобсиз қолди. Маълум бўлишича ой ҳали якунланмаган экан (сентябрь ойининг ўн бир куни ўтган бўлса ҳам). Шуниси ҳам маълум бўлдики, на бригада бошлиғи, на цехком раиси мусобақадош коллективларнинг июнь, июль ойларидан кейинги фаолиятлари тўғрисида аниқ маълумотга эга эмас экан.

Энг илғор қолипчилар Г. ва Б. Бахтеевлар билан суҳбатлашдик. Улар зарбдор меҳнат қилиб, смена топшириқларини муттасил ошириб бажарган ҳолда белгиланган беш юз ўрнига олти юз ва ундан зиёд қолиплар тайёрлашмоқда. Уларга ҳам меҳнат беллашуви тўғрисидаги саволимизни бердик. Улар С. Дворкин ва С. Муҳиддинов каби ҳамкасблари билан беллашаётганликларини айтишди.

— Мусобақада ким олдинда бораяпти? — қизиқиб сўрадик биз.

Улар бир-бирларига қараб елка қисишди. Суҳбатга шу ерда турган мастер аралашди:

— Албатта сизлар!

Буни қаердан билиш мумкин? Маълум бўлишича мастер хизмати юзасидангина ҳар иккисининг меҳнатдаги кўрсаткичини билар экан холос. Нима учун мусобақадошларнинг ўзлари бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмас? Нима учун ғолиб деб топилган Бахтеевлар бирор марта бўлсада, ўзларининг рақиблари билан учрашиб, уларга сўз ва тажрибалари билан ёрдам бермадилар.

Бунга жавоб битта — мусобақада расмиятчилик. Цех касаба союз комитетида мусобақа тўғрисидаги қоғоз расмият юзасидангина тўлдирилди, вассалом... Ўз-ўзидан маълумки, Бахтеевлар илғор методларни қўллаш ҳисобига юқори унумдорликка эришмоқдалар. Шундай экан, улар ўзларининг иш тажрибаларини мусобақадошлари билан ўртоқлашишлари лозим эди. Лекин бу тўғрида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

3-цехда ҳам мана шундай ҳолат мавжуд. Бу ерда ўзаро мусобақадошларнинг рўйхати тузилиб, социалистик мусобақани ривожлантиришнинг формаси ҳам ишлаб чиқилган... Ишчилар эса бу тўғрида ҳеч қандай маълумотга эга эмас.

— Ким билан мусобақалашаётганлигимни билмайман, — дейди пайвандчи Бозор Рустамов. — Мастеримиз қачонлардир бу ҳақда айтган эди, лекин унутибман.

Мусобақа! Қачонки, у оммавий бўлса, меҳнат беллашуви тўғрисида ленинча принципга қатъий амал қилиниб, унинг жарангдорлигига, меҳнат якунларини солиштиришга ва илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор берилсагина, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, меҳнат унумдорлигини ўстиришда ва маҳсулот сифатини яхшилашда, асосий омил бўлиб қолади. Бундай принциплардан биронтаси бузилса, мусобақа расмиятчиликка айланади.

Меҳнат беллашуви ишлаб чиқариш жараёнида қудратли омилдир. Уни ташкил этишда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ғайрат кўрсатган жойларда бутунлай бошқача ҳолларни кўриш мумкин.

11-асбобсозлик цехидамиз. Ёш слесарь Михаил Антоненко цехдаги ишлар, ҳамкасблари, меҳнат беллашувининг якунлари ва илғор тажрибаларни оммалаштириш тўғрисида гапириб берди.

Цехда барча ишчиларнинг фамилиялари кўрсатилган махсус стенд ташкил этилган. Партиянинг навбатдаги съезди шарафига олинган мажбуриятлари ҳам кўринарли жойга илиб қўйилган. Шу ернинг ўзида зарбдор декада ғолиблари номи кўрсатилган. Плакатлар тўртлар ташаббуси тўғрисида ҳикоя қилади. «Чақмоқ» деворий газетасида смена топшириқларини бажарган пешқадамлар қайд этилган.

Меҳнат беллашуви бешинчи механика йиғув цехида ҳам яхши ташкил этилган. Бу ерда ишчиларни меҳнат якунлари билан мунтазам таништириб борилмоқда. Тахтачада цех коллективи тайёрлаган машиналар миқдори ва бугунги қилинажак ишлар ҳажми кўрсатилган. Мусобақа ғолибларининг номлари, орқада қолаётган участкалар қайд этиб борилмоқда. Шунингдек, шахсий мусобақада қатнашаётган ишчиларнинг номлари тўғрисига меҳнат якунлари кўрсаткичлари қайд этилган. Социалистик мажбуриятларни бажарган ва бажара олмаётганликлари сабаби кўрсатилган.

Бироқ бу ерда ҳам баъзи камчиликлар мавжуд. Юқорида асбобсозлик цехининг ишчиси М. Антоненкони мисол қилиб олган эдик. Яқинда у ҳамкасби А. Серков билан мусобақада «Касби бўйича энг яхши» фахрли номини қўлга киритган эди. Бироқ уларнинг иш жойида буни исботловчи вимпеллар кўринмайди. Бундай ҳолларни бошқа цехларда ҳам учратиш мумкин. Илғорларнинг, социалистик мусобақа ғолибларининг иш жойларида «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Касби бўйича энг яхши» каби фахрий белгилар қўйилмаган. Бу эса социалистик мусобақани ташкил этишдаги катта камчиликлардир.

«Ўзбексельмаш» заводининг цехларида социалистик мусобақани ташкил этишда ҳар хил кўрсаткичлар кўзга ташланади. Шу ўринда кўплаб цехлар партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этишда, илғорлар тажрибасини оммалаштиришда нега актив фаолият кўрсатмаяпти, деган савол туғилади. Корхонада социалистик мусобақани ташкил этиш масаласи охирги марта ўтган йили муҳокама этилган эди. Сентябрь ойининг ўн бир куни ортда қолган бўлсада, завод касаба союз комитети цехлар, участкалар, бригадалар фаолияти бўйича август ойига якун ясамаган. Шунингдек, завод коллективининг меҳнат беллашуви тўғрисидаги фаолиятини акс эттирувчи кўргазма тахтада ҳам июль ҳамда август ойлари кўрсаткичи қайд этилмаган.

«Ўзбексельмаш» заводининг коллективи агрегат заводининг меҳнаткашлари билан мусобақадошдир. Бу ерда ҳам расмиятчилик давом этмоқда. Ўтган саккиз ой мобайнида меҳнат беллашувига атиги бир мартагина якун ясалди. Ўзаро текшириш бригадалари коллективни мусобақа якунлари билан таништирмадилар. Илғор тажрибалар жойларда кенг ёйилмади.

«Ўзбексельмаш» заводи август ойида сеялка, кўрак чувиш машиналари, подбор йиғувчи агрегатлар тайёрлаш планини бажара олмади. Сентябрь ойи планини бажариш ҳам хавф остида турибди.

Шундай шароитда корхонанинг партия, касаба союз ва комсомол комитетлари кам ишчи кучи сарф қилган ҳолда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот сифатини яхшилашга коллективни актив даъват этиши керак эди. Бунда янгилик изловчилар бўлган рационализаторларнинг роли каттадир. «Ўзбексельмаш» заводида қачонлардир юқори босқичда бўлган рационализаторлар ҳаракатида ҳам сусткашлик мавжуд. Корхонада рационализаторлар сони муттасил озайиб бормоқда. 1970 йилда уларнинг сони 504 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 131 тани ташкил этди, бу йил эса атиги 101 кишидир. План бўйича йилнинг ўтган даври мобайнида 261 та рационализаторлик таклифи киритилиши керак эди, ҳақиқатда эса 147 та таклиф тушди. Уларнинг атиги 63 тасигина жорий этилди. Корхонада кам унум берадиган қўл меҳнати ҳамон ҳукмронлик қилмоқда.

Завод касаба союз комитетининг маълумотича корхона меҳнаткашларини социалистик мусобақага жалб этиш проценти юқоридир. Фақат бу процентнинг қоғоздалиги ачинарлидир.

В. СТУЛИН,
К. НИШОНОВ.

•Бир корхонада

5 МИНГ СЎМ СОФ ФОЙДА

Булка-кондитер комбинатида рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш яхши йўлга қўйилган.

Йил бошидан бери ишчилар ва инженер-техник ходимлардан 12 та таклиф тушди. Бу комбинатга 5 минг сўм соф фойда келтирди.

Айниқса Баҳром Баталов, Пётр Елесеевлар ихтироларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши кам меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

• •

ИШЧИЛАР ФАРОҒАТИНИ ЎЙЛАБ

— Завқли меҳнатдан кейин мириқиб ҳордиқ чиқаришга не етсин, — дейди корхона партия ташкилотининг секретари Наталья Петровна Крутилина, — мавсум бошидан бери корхонанинг 15 ишчиси санаторийга, шунингдек, ўнга яқин ишчи дам олиш уйларига бориб ҳордиқ чиқариб қайтдилар. 22 киши эса қардош республикалар ҳамда чет элларда саёҳатда бўлди.

•

Тошкент асбобсозлик заводининг меҳнат аҳли партиямизнинг бўлғуси XXV съездини меҳнат соҳасида улкан ютуқлар билан нишонлашга аҳд қилган. Бу ерда съезд олди умумхалқ мусобақаси кун сайин авж олаяпти. Мана бу фотолавҳада корхонанинг ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган пешқадам деталчиларидан Хайри Худоёрхўжаева билан мастер Эркин Иброҳимовлар акс этганлар.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

•

ЭНЕРГЕТИКА ИНШООТИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Умумиттифоқ «Теплоэлектропроект» лойиҳалаш институтининг Горький шаҳридаги бўлими мутахассислари Кострома ГРЭСи иккинчи навбатини лойиҳалаш якунловчи босқичига киришдилар: қуввати 1 миллион 200 минг киловаттга борадиган жаҳонда энг катта энергетика блокининг иш чизмаларини яратишга киришдилар. Коллектив шу ноёб қурилиш коллективига 20 мингдан ошиқ график лист тайёрлаб бериши керак.

Шу лойиҳадаги ҳамма нарса одатдан ташқари ва улкан. Масалан, Таганрог қозонсозлари жаҳон практикасида биринчи марта бўйи 80 метрга борадиган агрегат қурадилар. Бўйи 25 қаватли уйга тенг келадиган шу кўп тонналик агрегат аввалгиларига ўхшаб фундаментда турмайди. Температураси 545 градусга ва босими 265 атмосферага борадиган буғ ҳосил қилувчи қозон эркин «нафас олмоғи» лозим. Шунинг учун у металл устунларга осиб қўйилади.

Ленинградлик машинасозларни ҳам мисли кўрилмаган вазифалар кутмоқда: улар улкан бир турбина қурмоқликлари лозим. Турбинада битта валнинг узунлиги 70 метрдан ошади. Шундай нарсани тайёрлаш ва унга ишлов бериш учун кўп маҳорат талаб қилинади. ГРЭС иккинчи навбатининг мўриси ҳам шулардан қолишмайди — у 350 метргача кўтарилади. Мамлакатимизда ундан баланд нарса фақат Москвадаги Останкино телевизион марказининг минорасидир холос.

Янги энергоблок иншоотлари шу қадар катта-катта бўлишига қарамай энг тежамли блок бўлиб чиқади. Ҳозир Кострома энергетиклари бир киловатт-соат электр энергияси олишга 327 грамм мазут ёқишаяпти. Бу мамлакатдаги энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Станция иккинчи навбатида улар ҳар киловатт-соат энергия ҳосил қилиш учун атиги 313 грамм ёқилғи ёқадилар. Станция сув ишлатмайди ҳисоби. Бу ерда буғ ҳосил қилиш цикли ёпиқ бўлганлигидан Волганинг сувидан конденсатни совитишдагина фойдаланилади.

Янги энергоблокда автоматланиш даражаси юксак даражада бўлиши кўзда тутилган. Унинг ҳамма агрегатларидаги жараёнлар тўғрисида датчиклар маълумот тўплаб туради. Электрон ҳисоблаш машинаси энг мақбул иш режимини танлаб туради. У СССР Европа қисми ягона энергетика системасини бошқарувчи марказий щчит билан бевосита боғланган бўлади. Лойиҳа Кострома ГРЭСини бошқариш пульти учун галереялари ва қишлик боғи бўлган махсус бино қуришни кўзда тутади. Кишилар мана шу ерда туриб қудратли машиналарни бошқариб борадилар.

(ТАСС).

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Сергели райони меҳнаткашлари Янгийўл районида ем-хашак тўплашда деҳқонларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Айни даврда район ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларидан 200 киши Янгийўл район хўжаликларида ем-хашак тўплашяпти. Жумладан, биргина электрмеханика заводининг ишчилари ёз фаслининг ўтган даври давомида 84 тонна ем-хашак тўплашди.

•*Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Яқинда «Луначарский» марказида сут маҳсулотлари билан савдо қиладиган янги магазин ҳамшаҳарларимизга эшигини очди. Куйбишев райпищеторгининг 75-магазинига қарашли бу корхонада ҳамиша қатиқ, сут, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар бўлади.

Ана шу магазинга қарашли яна бир сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи филиал аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Бунда асосан харидорлар олма, болгар гармдориси ва бошқа дала неъматларини сотиб олишлари мумкин. Бу сабзавот ва мевалар Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан келтирилмоқда. Бундан ташқари харидорлар узумнинг энг яхшиларини бозорга кираверишдаги «Узум бозори» ярмаркасидан олишлари мумкин. Бу мевалар «Қибрай» совхозидан келтирилмоқда.

Энгельс кўчасидаги «Марказ—6» кварталида турар жой бинолари қурилиши давом этмоқда. Яқинда бу ерда иккита янги турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: янги турар жой бинолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли савдо-сотиқ ҳажми кенгаймоқда ва маданий алоқалар ҳамда бошқа алоқалар кучаймоқда.

Бу ерда нашр этилаётган «Соушелук» журнали шу муносабатларнинг ижобий ривожланишига баҳо бериб, Ҳиндистоннинг мустақилликка эришуви Ҳиндистон билан СССР ўртасида тенглик, бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳамжиҳатлик ва дўстона ҳамкорликка асосланган муносабатларнинг янги даврини очиб берди, деб ёзади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар деб ёзади «Соушелук» журнали ўз мақоласининг охирида, ҳар иккала мамлакатга фойда келтирибгина қолмай, Осиёда ва бутун дунёда кескинликни юмшатиш ишига хизмат қилади, Ер юзида тинчлик ва барқарорликнинг самарали омили ҳисобланади.

Болгария Халқ Республикасида меҳнаткаш аёлнинг роли жуда катта. Ҳозир улар республиканинг бутун халқ хўжалигида 47 процентни ташкил қилади.

Аёл — врач ва ўқитувчи, инженер ва илмий хизматчи, музикачи ва агрономдир. Улардан жуда кўпчилиги эркаклар мутахассислиги билан ҳам шуғулланиб, зиммадаги вазифаларини аъло даражада адо этишмоқда.

СУРАТДА: Софиядаги аппаратуралар заводининг монтажчиси Тинка Кирилова.

БТА — ТАСС фотоси.

Социализм, озодлик ва тинчлик рамзи

ҚОҲИРА. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари Юсуф Ас-Сибоий ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: Осиё ва Африка халқлари миллий озодлик ва тараққиёт йўлидаги курашида империализмга қарши ҳамда ватанпарварлик принципларига, кенг халқлар оммасига суяниш, ўзаро келишиб ҳаракат қилиш, шунингдек, миллий озодлик кучлари билан жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар ва демократик ҳаракат ўртасида мустаҳкам иттифоқ принципларига изчиллик билан амал қилмоқда.

Юсуф Ас-Сибоий Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти кенгашининг навбатдаги XII сессияси мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши барча курашчилар учун ишончли таянч ва содиқ иттифоқчи бўлган жаҳонда биринчи социалистик давлат пойтахти — Москвада ўтказилишини мамнуният билан уқтириб ўтди. Бундан ташқари сессия деди у, Германия фашизми ҳамда япон милитаризми устидан эришилган тарихий Ғалабанинг 30 йиллиги байрам қилинган йилда ўтказилади. Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшган бу ғалаба бутун дунёда миллий революцион жараёнларни тезлаштиришга кўмаклашди.

У ҳозирги босқичда Африка, Осиё бирдамлиги ҳаракатининг асосий вазифалари тўғрисида гапириб шундай деди: араб халқларининг империализмга қарши, Исроил қўшинларини улар оккупация қилиб турган араб территорияларидан чиқариб юбориш ва Фаластиндаги араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминлаш учун, Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчликни барқарор қилиш учун олиб бораётган курашини маънавий-сиёсий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлашга чақиради.

Бош секретарь мустамлакачилик ва ирқчилик режимларини тугатиш учун курашаётган Жанубий Африка халқларига, шунингдек империалистик агрессия ҳамда урушнинг оғир оқибатларини бартараф қилаётган жанубишарқий Осиё халқларига ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади. У Осиё қитъасида коллектив хавфсизликнинг мустаҳкам системасини вужудга келтириш учун, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш учун, у ерда империалистик ҳарбий базаларни тугатиш учун курашга чақирди.

Юсуф Ас-Сибоий Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти кенгашининг Москвада бўладиган сессияси Осиё ва Африка бирдамлиги ташкилотининг шундай программасини белгилайдики, мазкур программа Осиё ва Африка қитъаларидаги халқларнинг орзу-тилакларини ифодалайди ҳамда жаҳон империализми ва реакцияга қарши курашда муҳим босқич бўлади, деб ишонч билдирди.

ЧЕХОВ АСАРЛАРИНИ ЎҚИШМОҚДА

ТОКИО. Япон китобхонларининг кўпгина илтимосларига кўра Япониядаги энг йирик нашриётлардан бири бўлган «Тюо коронся» нашриёти А. П. Чехов асарларининг 16 томлик тўпламини япон тилида қайта нашр этишга қарор қилди.

«Тюо коронся» нашриёти, деб ҳикоя қилди ТАСС мухбири билан суҳбатда нашриёт ходими Иосико Мондэн, — буюк рус ёзувчиси асарларининг 16 томлик тўплами биринчи марта 1968 йилда нашр этилган эди. Бутун тираж тезда сотиб бўлинди. 1968 йилда иккинчи нашри чиқарилди. Шундай қилиб яқин вақт ичида биз чоп эта бошлайдиган учинчи нашрнинг биринчи томи китоб магазинларига чиқарилади. Сўнгра қолган 15 том ҳар ойда биттадан чиқарилиб турилади.

А. П. Чеховнинг пьесалари Япониянинг «Хайюдза гэкидзно», «Минг эй» театрлари ва бошқа демократик театрлари саҳналарида ўнлаб йиллардан буён зўр муваффақият билан қўйилмоқда.

Танзаниянинг денгиз дарвозаси

ДОРУС-САЛОМ. Дорус-Саломни Танзаниянинг денгиз дарвозаси деб бежиз айтишмайди. У шарқий Африка соҳилидаги энг катта портлардан биридир. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган кемалар шу портда лангар ташлайди. Дорус-Салом марказий Африкадаги денгизга бевосита чиқадиган йўли бўлмаган Замбия, Бурунди, Руанда каби ривожланаётган мамлакатларнинг савдо-сотиғи учун айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Портнинг бултур тахминан 1,7 миллион тоннани ташкил этган юк обороти шу йилнинг охирига бориб 2 миллион тоннадан ошади. Ҳозир кечаю-кундуз саккизта причалда кемаларнинг юки туширилиб, юк ортилмоқда. Орадан бир неча ой ўтгач яна учта причални ишга тушириш мўлжалланади. Айни маҳалда эскирган машина-ускуналар алмаштирилади. Чет эллардан олтита портал кран, шатакчи кема, бошқа зарур техника харид қилинди.

Портда совет савдо кемаларини ҳам тез-тез учратиш мумкин. Улар Танзанияга машина-ускуна, қора металл прокати келтириб турибди. Уларга Танзания экспортининг анъанавий моллари, жумладан, хушбўй кофе ортилмоқда.

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

УЛАН-БАТОР. Улан-Батор темир йўлининг интернационал коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан тўрт ой илгари бажардилар. Шу коллективда монгол ва совет темирйўлчилари бир сафда туриб ишламоқдалар. Бу социалистик меҳнат корхонаси механизацияни, совет темир йўлларида қўлланилаётган илғор усул ва технологияни кенг жорий этиб яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Ярмарка ёпилди

ЖАЗОИР. Жазоирдаги 12-халқаро ярмарка ёпилди. Жазоир пойтахтидан 25 километр нарида жойлашган виставкалар шаҳарчасида 25 августдан 10 сентябргача 49 мамлакат ўз маҳсулотларини намойиш қилди. Бир қанча давлатлар Жазоирдаги ярмаркада биринчи марта қатнашди. Мозамбик, Яшил бурун ороллари, ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг павильонлари халқларнинг мустақиллик ва озодлик учун курашда эришган янги ғалабаларининг яққол далили бўлди. Жазоирнинг министрликлари ва миллий жамиятлари тайёрлаган экспозиция Жазоир халқининг янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларини яққол кўрсатиб турибди. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича мамлакат социалистик йўлдан бориши туфайли индустриялаштириш, ер ислоҳотини ўтказишда муваффақиятларга эришилди, социал ва маданий соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг павильонлари ва стендлари Жазоир билан социалистик мамлакатларнинг кенг ва самарали ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилди.

Жазоирдаги 12-халқаро ярмарка катта муваффақиятга эришди. Виставкани 3,5 миллион киши келиб кўрди.

ПЕКИН ВА ПОРТУГАЛИЯ

Пекин НАТОнинг ташвиш ва қайғуларига ўзини шерик деб қараётганлиги аллақачонлардан бери маълум. Маочиларнинг Португалиядаги воқеаларга нисбатан тутган позицияси ҳам буни яққол исбот қилиб турибди. Хитой пропагандаси шу мамлакат тўғрисида НАТО раҳбарларининг айтганларини деярли сўзма-сўз такрорламоқда ва одатдагидек бу сўзларга ўзининг антисовет уйдирмаларини илова қилмоқда. Синьхуа агентлигининг 9 сентябрда тарқатган шарҳи бу жиҳатдан ғоят характерлидир. Пекиндаги агентлик шу шарҳида, жумладан, Португалиядаги воқеалар туфайли «НАТОнинг Европа районидаги ғарби-жанубий қанотида ўпирилиш содир бўлганлиги» учун ғоят ташвишланганлигини билдирмоқда.

Синьхуа агентлиги ўзининг мазкур шарҳида совет матбуотини гўё бировларни «сўллар», бошқа бировларни «ўнглар» деб атаб, шу билан «Португалияликлар орасида низо туғдиришда» айбламоқда. Гўё Португалияда сиёсий кучларнинг бир-биридан ажралиши объектив реаллик бўлмай, совет газеталарининг ўйлаб чиқарган нарсаси эмиш.

Пекин халқаро сиёсий воқеаларга баҳо беришда синфий ёндошишдан бош тортиб пролетар интернационализми принципларини тамомила унутмоқда. Пекин Португалия реакциясининг ҳуружига ва зўравонлигига дучор бўлаётган, бутун жаҳон прогрессив жамоатчилиги эса бирдамлик билдираётган Португалиядаги сўл, демократик кучларни ҳимоя қилиб бирон сўз ҳам айтган эмас.

Бунинг устига маочилар очиқдан-очиқ Португалиянинг контрреволюционерлари билан иноқлашиб олиб, Португалия коммунистларини рўй-рост қораламоқдалар. Улар бу масалада фақат пропагандистик зарбалар бериш билангина чекланмаётирлар. Португалияда Пекин билан мустаҳкам алоқа боғлаган кам сонли, лекин ашаддий ва агрессив маочи гуруҳлар (шу гуруҳлардан бирининг раҳбарлари йўл-йўриқ олиш учун яқинда ХХР пойтахтига бориб келишди) компартия ва бошқа демократик ташкилотларнинг биноларига бандитларча ҳужум қилишда актив қатнашмоқдалар. Португалиянинг шимолидаги бир қанча шаҳарларда худди шундай воқеалар рўй берди. Лиссабонда ҳам шундай бўлди. Маочилар бу ерда интерсиндикал касаба союзлари марказий биносига ҳужум қилдилар. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, улар шу ҳужум пайтида «йўқолсин коммунистлар» деб бақирганлар.

Франция коммунистларининг газетаси «Юманите» Пекиннинг тутган йўлига баҳо бериб ва жумладан, юқорида айтиб ўтилган Синьхуа шарҳини анализ қилиб, ҳақли равишда қуйидагиларни таъкидлайди: «Пекин бу гал ўзининг навбатдаги антисоветизмини империализм қароргоҳига кўчирди. Хитой раҳбарлари Португалиянинг демократик кучларига нисбатан душманлигини шу даражада очиқ намойиш қилиб кўрсатдиларки, буни уларнинг НАТО ҳарбий агрессив блокининг тақдири учун ташвишланаётганликлари билан тенглаштириш мумкин деган аянчли хулоса чиқармай бўлмайди».

Жуда аниқ ва пухта гаплар. Пекиннинг Португалияга нисбатан тутган сиёсатининг ҳақиқий маъноси жаҳоннинг прогрессив кучлари учун тамомила аён бўлиб қолди.

ТАСС.

Медицина ходимларининг шаҳар активи йиғилишидан

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Шаҳар медицина ходимлари активининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида врачларнинг бурчи, профилактик, диагностик ва даволаш ишларини такомиллаштириш йўллари, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда бизнинг соғлиқни сақлаш ташкилотларимиз — деди активдаги ўз нутқида шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Барабаш, — мустаҳкам моддий-техника базасига, юксак малакали медицина кадрларига, кўп тармоқли илмий-тадқиқот ва даволаш муассасаларига эга.

Мана бу рақамлар албатта кишини қувонтиради: кейинги икки йил ичида шаҳарда тўртта поликлиника, шаҳар ва районлараро психо-неврологик диспансерлар қуриб фойдаланишга топширилди. 1, 18, 5-болалар поликлиникалари, 3-катталар поликлиникаси ва бошқа даволаш муассасалари янги шинам биноларга кўчиб ўтди. Йилдан йилга соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағ ортиб бормоқда. Даволаш муассасалари тобора янги техника билан жиҳозланиб боряпти. Бу эса ўз навбатида диагностика ва даволашнинг мукаммал методларини амалга тадбиқ қилиш, медицина ёрдами сифатини юксалтириш имконини бермоқда. Касалхоналар ва поликлиникаларда чуқур билимга, кенг дунёқарашга эга бўлган, ўз ишига ижодий муносабатда бўлувчи мутахассислар ишламоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, қийин дақиқаларда врач ёки медицина ҳамширасининг юксак профессионал сифатларигина эмас, балки инсонийлиги, ширинсўзлиги, фидокорлиги ва самимияти ҳам катта роль ўйнайди.

Актив йиғилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири К. Қаҳҳорбеков, Р. Люксембург номидаги касалхонанинг бош врачи Ю. Каримов, 3-туғруқхона бош врачининг ўринбосари Л. Шманская, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Назруллаевлар аҳолига медицина хизмати кўрсатиш борасидаги ютуқлар, касалликларга қарши олиб борилаётган кураш самаралари ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга улар актив қатнашчиларининг диққатини бир қатор ҳал қилиниши керак бўлган проблемаларга қаратдилар. Баъзи даволаш-профилактика муассасаларининг, шу жумладан, «Тез ёрдам»нинг фаолиятини яхшилаш, касалларни ётқизишда стационарлар билан поликлиникалар ўртасида аниқ алоқа ўрнатиш, стационарлардаги ўринлардан самарали фойдаланиш, аҳолига дори-дармон хизматини яхшилаш каби масалалар шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи И. М. Саттаров ўз нутқида милиция ходимлари билан биргаликда «Тез ёрдам» ва бошқа медицина муассасалари ходимлари кечаю-кундуз вахтада турганликларини таъкидлаб ўтди. Улар медицина ёрдами кўрсатибгина қолмай, жиноятни очишга ҳам ёрдам бермоқдалар.

Врачларга энг бебаҳо нарса — инсоннинг соғлиги, ҳаёти ишониб топширилган. Улар бу юксак ишончни оқлаш йўлида фидокорона меҳнат қиляптилар. Биз терапевтнинг сезгир қалби, окулистнинг ўткир кўзлари, хирургнинг олтин қўллари, рентгенолог ва кардиографнинг билимдонлиги ҳақида миннатдорчилик билан гапирамиз...

Совет Иттифоқи врачларининг қасамёдида шундай сўзлар бор: «Мен ҳамиша медицина ёрдами кўрсатишга тайёр туришга, беморга диққат билан, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишга тантанали суратда қасамёд қиламан...» Совет врачлари бу қасамёдга ҳамиша содиқ бўлиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам баъзан ана шу қасамёдни унутиб қўювчи шифокорларни учратганимизда қаттиқ ранжиймиз. Масалан, тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария бўлими хирурги В. И. Кобзев ўз қасамёдини унутиб қўйди. Бемор Шермаҳмудовга тезда медицина хизмати кўрсатиш ўрнига, уни ўзи яшайдиган жойдаги касалхонага жўнатди. Бемор эса ҳушига келмай ҳаётдан кўз юмди. Суд-медицина экспертизасининг аниқлашга қараганда, агар ўз вақтида операция қилинганда Шермаҳмудовнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан.

—Беморларнинг хавфсизлиги оқ халат кийган врачларнинг бурчга садоқатига, гуманизмига боғлиқ. Ким агар бу муқаддас бурчини унутиб қўяр экан, шифокорлик билан шуғулланмасин, — деди ўз сўзида 3-туғруқхона бош врачининг ўринбосари Л. Шманская.

Активда қабул қилинган резолюцияда медицина ходимларининг асосий вазифаси — одамлар саломатлиги учун кураш, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф-муҳитни ҳамиша соф сақлаш, санитария-гигиена билимларини мунтазам ошириб боришдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Унинчи беш йиллик партиямиз томонидан сифат беш йиллиги деб белгиланган. Бу эса медикларни барча даволаш-профилактика ҳамда санитария-соғломлаштириш тадбирларини юксак ташкилий ва сиёсий даражада ўтказишга, аҳолига медицина хизматини янада яхшилашга ундайди.

Бу вазифаларни бажариш медицина ходимларига КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш, касалликларга қарши курашда янги ютуқларни қўлга киритиш, амалиётни даволашнинг янги методлари билан бойитиш имконини беради.

ШИМОЛИЙ ШИФОХОНА ОБОД БЎЛМОҚДА

Карелиядаги «Марциальние води» бальнеологик санаторийсини ривожлантиришнинг бош плани тузилди. Бу машҳур курорт Петр I нинг фармойишига биноан очилган эди.

Санаторий территориясида усти ёпиқ йўлаклар билан бирлаштирадиган янги бинолар комплекси қурилади. Хушманзара қарағайзор ўрмонда даволаш корпуси, сув ва балчиқ билан даволайдиган шифохоналар, клуб, иккита санаторий корпуси қад кўтаради, бу корпуслардан биттаси 15 қаватли бўлади.

Санаторийдаги ишлар поёнига етгач, шифохона ҳозиргига нисбатан икки баравар кўп, яъни йилига 12 минг кишини қабул қила олади.

(ТАСС мухбири).
Петрозаводск.



ЧЕЛЯБИНСК трубопрокат заводи — катта диаметрдаги пўлат трубалар ишлаб чиқарувчи мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири. Бу ерда бир кеча-кундузда диаметри 530 миллиметрдан тортиб 1.220 миллиметргача бўлган ўттиз минг метрга яқин труба тайёрланади.

Тўққизинчи беш йилликда янги нефть ва газ конларининг ўзлаштирилиши муносабати билан катта диаметрдаги трубаларга талаб айниқса ошиб кетди. Трубалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун заводда реконстукция ишлари олиб борилди, янги технология жорий этилди. Асосий цехларнинг қуввати оширилди, пўлатнинг янги маркаларидан трубалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Челябинск трубопрокат заводида тайёрланган пўлат трубалар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган барча мамлакатларга, жами 50 давлатга экспорт қилинади.

СУРАТДА: Челябинск трубопрокат заводининг участкаларидан бирида. Бу ерда катта диаметрдаги трубаларга сўнгги ишлов берилади. Э. Котляков фотоси, АПН.

•ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Буйрак билан ҳазиллашманг

Ҳурматли редакция! Буйрак хасталиги, уни даволаш тўғрисида маълумот берсангиз.

Мирапи ХОЛИҚОВ,
Андижон область, Балиқчи район партия комитети ходими.

Буйрак ҳақида сўз юритилар экан, унинг тузилиши ҳақида тўхталмоқчимиз. Буйраклар асосан биқинга жойлашиб, ёғ ва мушак қаватлари билан ташқи ва ички таъсиротдан муҳофазаланади. Унинг шакли ловияни эслатади. Оғирлиги 130 грамм. Буйраклар уст томонидан капсула (пўстлоғи), ички томони мағиз қисми — тўқималардан иборат.

Маълумки, инсон бир кеча-кундузда бир қанча хил таомларни истеъмол қилиб, турли ичимликлар ичади. Ундан мустасно, ташқи муҳит таъсирида бир неча кимёвий моддалар киши аъзоларига тушиб туради. Шуларни зарарсизлантиришда буйраклар асосий вазифани бажаради. Шу билан бирга, буйраклар ўзидан баъзи моддаларни ишлаб чиқаради. Ана шундай маҳсулотлардан ренин моддасини олайлик. Бу модда организм қон томирларига торайтирувчан хусусият билан таъсир этади.

Кучли руҳий безовталик, изтироб, дамбадам ҳовлиқиш, оғир асабий тушкунлик, давомли уйқусизлик, тартибсиз меҳнат, спиртли ичимликлар бутун организм қон томирлари каби буйрак қон томирларини ҳам кескин торайтиради. Бу эса, ренин моддасининг қон оқимига кўпроқ чиқишига сабаб бўлади. Ренин қонда оқсил моддалари билан бирикиб, организм қон томирларини шундай торайтириб юборадики, бундай шароитда гипертония — хафақон касаллиги келиб чиқади ва ривожланади.

Буйраклар яллиғланиши билан кечадиган хасталикка нефрит дейилади. Нефрит асосан ўткир ҳамда сурункали ҳолда кечади.

Ўткир нефрит буйрак тугунчалари ва оралиқ тўқималарнинг инфекцион — токсик яллиғланишидир. Шу билан бирга, у бутун организм касаллиги ҳисобланади.

Ўткир нефрит ангина, скарлатина ва шу каби хасталиклардан сўнг юз беради. Нефритнинг келиб чиқишида шамоллаш ва совуқ қотишнинг таъсири катта. Чунки кўпинча чиниқмаган организм об-ҳавонинг кескин ўзгаришига тоб беролмайди. Салгина совуқ ҳавонинг ўзи ҳам бундай одамлар организмида турли микробларнинг ривожланишига имкон яратиб беради. Ангина, скарлатина ва бошқа юқумли хасталиклар микроблар учун айни муддаодир. Киши организми сал қувватсизлик билдирса, бундай микроблар тезда кўпайиб, нефрит касаллигини келтириб чиқаради.

Ўткир нефрит касаллигида беморлар бош оғриғи, бетоблик ва умумий ланжликдан, юз шишиб, пешобда қон пайдо бўлишидан, пешоб миқдорининг камлигидан, иштаҳанинг йўқолганлигидан, баъзан эса белда оғриқ сезишдан шикоят қиладилар. Ўткир нефритнинг клиник кўриниши артериал қон босимининг ошиши, шиш ва пешобдаги ўзгаришлардан иборат бўлади. Шишлар аввал, асосан юз ва қовоқларда пайдо бўлиб, беморнинг ранги кетади.

Буйрак шамоллаши —нефрит сурункали кечганда хасталик аломатлари яхши сезилмай, беморни анча қийнаб қўяди. Бунда бемор умумий дармонсизликдан, бош оғриғидан, юрак атрофидаги ғашни келтирувчи оғриқлардан, юз ва оёқ-қўллардаги маълум даражадаги шишлардан шикоят қилиб юради.

Сурункали нефрит асосан ўткир нефритнинг давоми бўлиб, бу ҳам совуқ қотиш, об-ҳаво инжиқликлари, модда алмашинувининг организмда бузилиши, овқатланиш масалаларига ҳам боғлиқ.

Буйрак ва пешоб йўлларига тош келиб қолиши хасталикнинг дастлабки аломати, бу кучли оғриқдир. Оғриқ тошларнинг жойлашишига қараб маълум ердан бошланади. Агар тош буйракда ҳосил бўлса, оғриқ бел атрофида бўлиб, тез юрганда кучайиб, дам олиш вақтида камаяди.

Буйрак-тош касаллигидаги оғриқлар кўпинча бод, радикулит каби хасталикларда кўриладиган безовталикка ўхшаш бўлгани учун кўпчилик беморлар янглишадилар. Улар оғриқни тўхтатиш мақсадида анальгин, пирамидон ичадилар, суртиш дорилари, ванна ва иситгичларни қўллайдилар. Бунда оғриқ бир оз тўхтагани билан касаллик кучайиб кетаверади. Тошлар қанча майда бўлса, оғриқ шунча кучли ва давомли бўлади, чунки майда тошлар пешоб йўлларига тушиб, уни беркитиб қўяди. Оғриқ кучлилигидан бемор ўзини қўярга жой топа олмайди. Бундай оғриқни шифокорлар «Буйрак хуружи» деб атайдилар. Кўпинча буйрак хуружи кўнгил айниши, қайт қилиш, қориннинг дам бўлиши билан бошланиши сабабли уни кўричак, холицистит ёхуд овқатдан заҳарланиш билан янглиштирадилар.

Касалликни аниқлаш, тошларнинг жойлашган ерини белгилаш фақат рентген нурлари орқали тўла бажарилади.

Организмга тушган ҳамма кимёвий моддалар, унинг яшаш жараёнидаги ортиқча мавжудотларни фақат буйраклар ташқарига чиқариб туради. Буйраклар соғлом бўлмас экан, боқий умр кўриш амри маҳол. Шунинг учун организмга заҳар каби таъсир этадиган спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик зарур. Алкоголь буйрак тўқималарини путурдан кетказади, қоннинг биокимёвий процесслари оқсил ва ёғ алмашинувини бузади. Спиртли ичимликларни сурункали истеъмол қилиш қоннинг қуюқланиш системаси фаоллигини оширади. Асабни заҳарлаб, буйрак қон томирлари устидаги назоратини пасайтиради.

Тамаки ҳам ўзининг заҳарли никотин моддалари билан алкоголдан қолишмайди. У ўпка орқали қонга ўтиб, буйрак тўқималари ва қон томирларини зарарлайди. Бу эса буйрак тўқималарининг кислород ва емишли моддалар билан таъминланишини чеклаб қўяди.

Буйрак хасталигида майда тош ва қумларни ювиш учун беморларига кўпроқ тарвуз едириш керак. Нок, тоғолча, помидор ва бошқа мева-полиз маҳсулотлари витаминлар, қанд моддалари ҳамда минерал элементларга бой.

Текширишлар шуни кўрсатадики, физкультура ва спорт билан шуғулланиш инсон организмидаги ҳамма жараёнларга яхши таъсир этади, хотирани кучайтиради, тафаккурни яхшилаб, куч-қувватни оширади, ҳар қандай касалликлардан сақлайди. Спорт билан шуғулланиш асаб системасини чиниқтиради, юрак-қон томирлар тонусини оширади, организмдаги турли чиқинди моддаларнинг пешоб орқали чиқарилишини тезлаштиради ҳамда буйрак ҳужайраларини ҳалокатдан сақлайди.

Ҳамиша тетик, бардам бўлиш ва буйрак хасталикларидан ҳоли бўлиш учун ишдан олдин ва кейин кўпроқ очиқ ҳавода юришни, дам олишни тўғри ташкил қилишни унутмаслик зарур.

Инсоннинг иш ва уй шароитларини шундай ташкил этиш керакки, киши психикасини бузадиган ортиқча шовқин-сурон бўлмасин. Бақириш ва қаттиқ гапиришнинг асаб системасига ёмон таъсир қилиши ҳаммага маълум.

Кишиларнинг бир-бирлари билан биродарларча муомалада бўлиши биринчидан меҳнат унумдорлигини оширса, иккинчидан дилни хушнуд этади .Асаб системаси қон томирлар ва буйраклар ишига ижобий таъсир этади, эрта кексайишнинг олдини олади.

Ҳамма дард каби, ўзида буйрак хасталигини сезган одам фақат врачга учрашиши, унинг маслаҳати билан даволаниши шарт. Буйрак хасталиги вақтида даволанилмаса оқибати ёмон. Шуни доим ёдда тутиш керакки, буйрак хасталикларидан сақланиш учун меҳнат турларидан оқилона фойдаланиш керак. Чунки иштиёқ билан бажарилган ҳар бир меҳнат кишининг асаб системасига, юрак қон томирларига ва буйраклар ишига ижобий таъсир қилади, уларни толиқишдан, касалликлардан сақлайди.

О. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Санитария-гигиена ва касб касалликлари институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

- ▲ ШАМОЛЛАШДАН БОШЛАНАДИГАН ДАРД
- ▲ ТАРВУЗ — ТОШНИ ЭРИТАДИ
- ▲ АСАБ ТОМИРЛАРИГА ҲОРДИҚ
- ▲ МЕҲНАТНИ СЕВИБ БАЖАРИНГ
- ▲ МЕВАЛАР ХОСИЯТИ

ТУТҚАНОҚ НИМА?

— Ҳурматли редакция! Бола нима учун беҳуш бўлади! Уни баъзилар тутқаноқ, баъзилар шайтонлаш дейишади. Шу тўғрида маълумот берсангиз.

П. ВАЛИЕВА,

Октябрь массивидаги Кўркам кўчасида истиқомат қилувчи она.

Тутқаноқ ёки шайтонлаш— организмнинг энг оғир касалликларидан бири. Шайтонлаш вақтида бола атрофидаги нарсаларни сезмай, ҳушидан кетади. Кўзлари юқорига қараган бўлади. Қўл ва оёқлари тиришади, тортиша бошлайди. Бола хириллайди, оғзидан кўпик чиқаради.

Бундай ҳоллар турли сабаблар натижасида бўлади. Бу касаллик боланинг марказий нерв системалари ҳали ривожланмаган вақтидаёқ бўлиши мумкин. Шайтонлаш турли инфекцияларда: оғир касаллик туфайли ҳароратнинг кўтарилишида, баъзан бола овқатдан заҳарланганида юз беради.

Кичик ёшдаги болалар зотилжом хасталигида, грипп ва қулоқнинг ўрта пардаси шамоллаганда шайтонлайди. Баъзи юқумли касалликлар шайтонлаш билан бошланади. Булар — менингит, энцефалитлардир. Ич буруғи касаллиги ҳам биринчи суткада юқори ҳарорат натижасида тиришиш билан бошланади. Болаларга дориларни нотўғри ичириш оқибатида ҳам шайтонлаш бўлади. (Камфара, кафеин ва бошқа дорилар).

Шайтонлашнинг ҳамма формаларида ҳам беморга албатта врач чақириш керак. Врач келгунча, приступ вақтида болани ётқизиб, ёқасини ва камарини ечиш керак. Қўл ва оёқлари бирор ерга тегиб кетмаслиги учун ушлаб туриш лозим. Ёнбошлатиб ётқизиш, оёқ-қўлни тўғрилайман деб тортмаслик лозим, акс ҳолда синиб, майиб бўлиши мумкин.

Приступ тугагач, болани ухлатиш айни муддаодир. Тутқаноқ оғир касалликнинг белгиси эканлигини унутмаслик, оғриган болаларни албатта шифохоналарда даволаш керак.

Янги фильм кўриги

КЕЧА

Республика киночилар уйида «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаб чиқарилган янги бадиий фильмнинг кўриги ва муҳокамаси бўлиб ўтди. «Инсон қушлар ортидан кетади» деб номланган бу фильм сценарийсини Т. Зулфиқоров ёзган. Постановкачи режиссёр А. Ҳамроев. Фильмдаги асосий ролларни Д. Файзиев, Д. Қамбарова, А. Саидов, Н. Авазова, М. Афзалов ва бошқалар ижро этишган. Романтик характердаги бу фильм эзгулик ва соф муҳаббат ҳақидадир.

Фильм намойишидан сўнг бўлиб ўтган муҳокамада санъатшунослар, кино ходимлари, томошабинлар ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

АЖОЙИБ САНЪАТКОР

УЗЕИР ҲОЖИБЕКОВНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Машҳур совет композитори Узеир Ҳожибековни ер юзидаги жуда кўп мамлакатларда яхши биладилар. Унинг жаҳон музика ва театр санъати хазинасига бебаҳо дурдоналар бўлиб қўшилган асарлари ўлмаслик касб этган, умрбоқийликка юз тутган асарлардир. Композиторнинг шоҳ асарларидан бири «Аршин мололон» музикали комедиясини бутун дунёдаги санъат мухлислари яхши биладилар ва севадилар. Дарҳақиқат «Аршин мололон» Европа, Осиё, Американинг ўнлаб мамлакатларидаги музика санъати шинавандаларининг чинакам ҳурмати ва ихлосига сазовор бўлган.

Узеирбек Абул Ҳусайн ўғли — Ҳожибеков 1885 йил 17 сентябрда Шушинск уездидаги Оғжабоди қишлоғида, хаттот оиласида туғилди. Узеир болалик чоғлариданоқ халқ ичидан етишиб чиққан хонанда ва созандалар санъатидан баҳраманд бўлди. Захматкаш халқ яратган куй ва оҳанглар уни бутунлай ром этарди, гўзаллик оламига етакларди, ширин хаёлларга чўмдирарди.

Узеир Ҳожибековнинг профессионал композитор сифатида шаклланиб, камол топишида, унинг Москва, Петербург сингари йирик музика ва театр марказларида таҳсил кўргани катта аҳамиятга эга бўлди. Истеъдодли ёш санъаткор 1911—1914 йилларда Москвада ва Петербургда А. Ильинский, Н. Ладухиндан ҳамда В. Калафаттилардан музика назарияси бўйича таълим олди.

Узеир Ҳожибеков ўзининг дастлабки операси «Лайли ва Мажнун»ни 1907 йилда яратди; асар 1908 йилда саҳнага қўйилди ва томошабинлар эътиборини ўзига жалб этди. Халқнинг ажойиб куйларини классик сюжет билан ўта моҳирлик ва зукколик билан уйғунлаштирди. Бу ўз навбатида асарнинг муваффақиятли ёзилишига яхши замин яратди.

Дастлабки яратилган ва элга манзур тушган «Лайли ва Мажнун» операсининг муваффақияти У. Ҳожибековни янгидан-янги саҳна асарлари яратишга илҳомлантирди. Шундан сўнг талантли композитор «Шайх Санъон» (1910), «Рустам ва Сухроб» (1910), «Шоҳ Аббос ва Хуршид Бону» (1912), «Асли ва Карам» (1912) «Хорун ва Лайли» (1915) номли операларини ҳамда «Эр ва хотин» (1910), «У бўлмаса, бу бўлсин» (1910), «Аршин мололон» (1911) каби музикали комедияларни ёзди.

Узеир Ҳожибековнинг «Кўр ўғли» операси ва «Аршин мололон» музикали комедияси композиторнинг ижодиётига тож бўлди ва муаллифнинг шону-шуҳратини чет элларга ҳам ёйди. 1913 йилда Бокуда «Аршин мололон» дастлаб саҳнада намойиш этилганидан сўнг, тез орада рус, арман, форс ва бошқа тилларга таржима қилиниб тарқатилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси У. Ҳожибеков ижодиётининг гуллаб-яшнашига ва камолот чўққиларига кўтарилишига катта имкониятлар яратиб берди. Озарбайжон музика маданияти тарихида У. Ҳожибеков биринчи бўлиб музика мактаби ташкил этиш ишларига бош-қошлик қилди; 1926 йилда биринчи озарбайжон кўп овозли хорини тузди; 1931 йилда эса озарбайжон халқ чолғу асбоблари ансамблининг ташкил этилишига раҳбарлик қилди.

Узеир Ҳожибековнинг ижодиёти билан ўзбек халқи ҳам аллақачонлардан бери таниш. Атоқли композиторнинг асарлари ўзбек саҳнасида инқилобдан аввалги йиллардаёқ намойиш этилганди. Муаллифнинг «У бўлмаса, бу бўлсин» («Машади ибод») музикали комедияси 1911 йилда Самарқанд шаҳрида, Аҳмадбек Қамарлинский раҳбарлигидаги труппа гастроллари вақтида кўрсатилган эди. 1915 йилда эса Тошкент ва Қўқонда Ю. Наримонов раҳбарлигидаги музика театри гастроллари пайтида «Лайли ва Мажнун», «У бўлмаса, бу бўлсин»лар томошабинларга кўрсатилган. 1916 йилда Тошкент ва Самарқандда атоқли озарбайжон режиссёри ва актёри Сидқий Руҳилло (кейинчалик у СССР халқ артисти) раҳбарлигидаги музика театри артистлари гастроли чоғларида «Лайли ва Мажнун», «Аршин мололон», «Асли ва Карам», «У бўлмаса, бу бўлсин» опера ва музикали комедиялар санъат ихлосмандларига кўрсатилиб, зўр муваффақият қозонди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, У. Ҳожибеков ижодиёти, у яратган ва юқорида зикр этиб ўтилган музикали саҳна асарларининг аҳамияти ўзбек музикали драма жанрининг ривожланишида ва шаклланиб, камол топишида ижобий роль ўйнаган. Ўз вақтида Тошкент, Самарқанд, Қўқон шаҳрида кўрсатилган (1911—1916) У. Ҳожибеков асарлари ёш ўзбек театр намояндаларининг ижодиётига ҳам баракали таъсир кўрсатган.

1916 йилнинг 30 декабрида Тошкентдаги «Колизей» театр биносида (ҳозирги Свердлов номли концерт зали «Лайли ва Мажнун» операси кўрсатилди (Фузулий достони бўйича). Бош роль—Мажнунни озарбайжон артисти Сидқий Руҳилло ижро этди (режиссёр ҳам С. Руҳилло). Операдаги бошқа ролларни ўзбек ҳаваскорлари ижро этганлар. Шу жумладан операда Абдулла Авлоний, Хуршид, Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий ва бошқалар қатнашди.

Улуғ Октябрь революциясидан сўнг ҳам, 1918—1920 йилларда озарбайжонлик санъаткорлар «Аршин мололон»ни Тошкент ва Самарқандга келиб кўрсатдилар.

1925 йилда «Аршин-мололон» спектакли Тошкентдаги «Профинтерн» клуби қошидаги труппа томонидан саҳнага қўйилиб, томошабинларга кўрсатилди. Бош ролларни Н. Шарафқориев (Асқар), Х. Қориев (Вали), М. Нажмиддинова (Гулчеҳра), Б. Тожиев (Сулаймон), У. Орифжонов (Султонбек)лар ижро этдилар. Асарнинг режиссёри Шокир Нажмиддинов (ҳозир у ЎзССР халқ артисти) эди.

1929 йилда «Аршин-мололон» таниқли драматург К. Яшин томонидан яна бир бор таржима қилиниб, музикали театримиз саҳнасида, атоқли санъаткорлардан М. Қориёқубов, Тамарахоним, Зуҳур Қобиловлар иштирокида кўрсатилди ва зўр муваффақият қозонди. 1937 йилда эса бу музикали, комедия республика музикали театри саҳнасида яна бир бор саҳналаштирилди. Энди бу асардаги етакчи ролларда Ҳалима Носирова, Карим Зокировлар сингари улкан маҳорат соҳиблари намоён бўлдилар.

1950 йилда Навоий номли академик опера ва балет театримиз саҳнасида эса У. Ҳожибековнинг «Кўр ўғли» операсининг премьераси бўлди. Бу асар 1956 йилгача саҳнадан тушмай келди. Операдаги бош қаҳрамон образини Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ғулом Абдураҳмонов юксак маҳорат билан ижро этди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати чинакам коммунист (1938 йилдан КПСС аъзоси), ажойиб санъаткор Узеир Ҳожибековнинг ижодиётига, унинг самарали меҳнат фаолиятига юксак баҳо бердилар—улкан ижодкорга СССР халқ артисти фахрий унвони берилди; у СССР Олий Советига бир неча бор депутат бўлиб сайланди; Озарбайжон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди; қатор орден ва медаллар билан мукофотланганди.

Узеир Ҳожибеков ўзининг умрбоқий, чинакам халқчил музика асарлари, кўпмиллатли совет санъатини янада ривожлантириш йўлида қилган хайрли ишлари, ташаббускорлиги билан ҳамиша халқлар дилида ва тилида.

Б. НАСРИДДИНОВ.

Ўзбекистон Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар павильони ҳамиша санъат мухлислари билан гавжум.

СУРАТДА: скульптор Ф. И. Гришченко асарлари ҳузурида.

М. Нуриддинов фотоси.

АДАБИЁТ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

Октябрь ойида қардош Озарбайжон ССРда совет адабиёти кунлари бўлиб ўтади. Шу кунларда бу улкан шодиёнага қизғин тайёргарлик кетмоқда. Республиканинг турли нашриётларида совет адабиёти ҳафталигига атаб таржима асарлари чоп этилмоқда. Газета ва журналларда эса янги таржималар босилиб турибди. Улар орасида ўзбек адибларининг асарлари ҳам бор.

Озарбайжон ССРнинг «Ганжлик» нашриёти улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ғазалларини, Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар» романини чоп этди. «Озарнашр» эса СССР Давлат мукофоти лауреати шоир Рамз Бобожоннинг «Оби ҳаёт» поэмасини алоҳида китоб ҳолида нашр этди.

Болаларга бағишланган таржима асарлар мажмуаси «Дўст эллар, дўст нағмалар» деб аталади. Бу китобда В. Маяковский, С. Михалков, Р. Ҳамзатов, Я. Колас, Г. Абашидзе, О. Шероз сингари шоирларнинг болаларга аталган шеърлари бор. Тўпламда ўзбек совет болалар шоирларидан Ш. Саъдулла, Қ. Ҳикмат, И. Муслим, П. Мўмин кабиларнинг шеърлари билан ҳам танишиш мумкин.

Тўпламдаги шеърларни таниқли озарбайжон шоири Аҳмад Жамил таржима қилган.

А. ЖАББОРОВ,
Боку шаҳри.

Нега говмижжа чиқади?

Ҳурматли редакция!
Баъзан шамоллашдан кейин кўзга говмижжа чиқади! Бунинг сабаби нима! Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Наима ПЎЛАТОВА.

Говмижжа—кўз милкининг қаттиқ шамоллаши натижасида чиқади. У асосан, сурункали шамоллаш ҳамда юқумли касалликлар билан оғрийдиган ёш болаларда кўпроқ учрайди. Бу касаллик бошланишида, кўз милкининг четлари ачиша бошлайди, кейин маълум бир жойда қизарган нуқта пайдо бўлади. Икки-уч кундан кейин бу қизғиш нуқтанинг усти сарғиш рангга кириб, кейин ёрилади. Унинг ичи йирингдан иборат бўлади.

Говмижжа чиқмаслиги учун, аввало милк қизарган вақтда, унинг атрофини 70 процентли спирт билан кунда 3—5 марта артиб туриш керак. Бунинг учун шишадан ясалган таёқчадан (бу дорихоналарда бўлади) фойдаланилади. Унинг учига пахта ўраб, спирт билан намланади, сўнг милк артилади. Бу усул билан касалликнинг ривожланиши тўхтайди. Агар оғриқ яна бошланса, қуруқ иссиқ компресс қилиш лозим.

Говмижжага ҳўл компресс қилиб бўлмайди. Агар у чиққан вақтда ҳарорат кўтарилса, сульфаниламид препорати ёки пенцилиндан укол олиш керак.

Говмижжани сиқиш асло мумкин эмас. Бу ҳол хавфлидир. У баъзан менингит хасталигини келтириб чиқаради. Яхшиси тезда шифокорга мурожаат қилиш лозим. Врач беморнинг организмига қараб маълум даволаниш йўлларини кўрсатади.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Шашкачи қанча ҳарф билиши керак?

— Дастлаб ўйинларни ёзиб қўйиш учун саккизта ҳарфни билиш керак, — деб таъкидлайди учинчи спорт разрядига эга бўлган шашкачи Владимир Логачев.

Бордию, бирор киши саккизта ҳарф барибир озлик қилади деб ҳисоблайдиган бўлса, Владимир Логачев энди олти ёшарлигини эслатиб ўтамиз. Бунинг устига у «дастлаб» сўзини қўшиб, таъкидлади-да, ахир, ҳали у мактабга бориб бутун алифбени ёд олгунча орада бутун бир йил бор.

Дастлаб шашкани, кейин эса алифбени ўрганади. Унинг акалари ва опалари ҳам шундай қилишган. Эҳтимол, бу шунинг учундирки, уларнинг отаси Владимир Григорьевич Логачев бу ажойиб ўйинни биринчи марта ёшлигида олисдаги хилват бир қишлоқдан клуби бор бўлган бошқа каттакон қишлоққа оиласи билан кўчиб келганида кўрганлиги учун шундайдир. Дастлаб уни катак-катак тахтача устида астойдил бош қотириб ўтирган катта ёшдаги кишиларнинг кўриниши ҳайрон қолдирди ва қизиқтириб қолди. У астойдил термилиб тураркан, қора ва оқ хоналардаги ранг-баранг воқеалар йигитни ҳайратда қолдирди.

— Кеч қопсан, — деди унга қишлоқ чемпиони, лекин барибир юришни ўргата бошлади. Тез орада эса ўйинни янги ўрганган болага биринчиликни бой бериб қўйди.

Шундай бўлса ҳам, эҳтимол, у барибир бу ўйинни анча кеч кўриб ўрганди. Ёши улуғ Владимир Логачёв спорт соҳасида биринчи разряд билангина кифояланиб қолди. Лекин кичкинагина тахтачада ўн иккита қора дона ва ўн иккита оқ дона жанг олдидан ўз позициясини оҳиста эгаллайдиган, кейинчалик ақл бовар қилмайдиган мураккаб комбинацияларни бошлаб, «найзавозлик» жангига отланадиган бу ўйинга у чексиз мафтун бўлганича қолди. Тўнғич ўғли Гриша 5 ёшга тўлганида унга шашка совға қилди. Владимир Григорьевич шашканинг тошлари — доналарини қандай юриш кераклигини ўғлига кўрсатди.

Ўғли эса: «Ўйнаб кўрамизми?» — деди. Ўйнаб кўришди. Лекин кичкинтой билан қанақа ўйин бўларди? Владимир Григорьевич хўрсиниб нафас олади. Доналар кетидан доналарни олиш қандай қийинлигини айтмайсизми? Бундан бўлак нима қилиб бўларди? Қанақа қилиб ўргатса бўлади? У бир нарсадан чўчирди: айтинг-айтинг, болакай ютқизишга ўрганиб қолмаса бўлгани. Демак, нега ютқазиб қўйганлигини унга тушунтириш керак. Ютуқни қўлдан бой бермаслиги учун қандай йўл тутса бўлади?

Эҳтимол жиддий ўйнашдан кўра, яхшироқ йўл йўқдир. Орадан бир йил ўтгач, Владимир билан Григорий Логачевлар ўртасида шундай ўйин бўлдики, ёши улуғи зўрға дуранг қила олди.

Иккинчи ўғли — Юрага ўргатиш осонроқ бўлди. Унга дастлабки сабоқни Гриша берди. Шундан кейин ёш болалар шашка алифбесини беш яшар Наташага ўргатишга кўмаклашдилар, орадан бир йил ўтгач Светланага ўргатишди, ниҳоят, Владимир Логачевнинг — кенжа ўғлининг навбати келди.

Ҳамма шашка-шашка дейди. Мактабчи? Ўша ёшда бола ҳар нарсага қизиқади. Бу оилада эса «тўрт баҳо» олиш кичкинагина фавқулодда ҳолат ҳисобланади. Барча фанлардан нуқул беш баҳо олиб ўқиш болалар учун норма бўлиб қолган. Катакли тахта болаларнинг ўша ёшда қизиқадиган бошқа нарсалардан ҳафсаласини совута олмади.

Гриша жуда яхши сакрайди ва югуради, у мактаб чемпиони. Юра — футболчи. Қизлар сувда сузадилар. Кенжа Владимир Логачев эса ҳали ўзининг «спорт мутахассислигини» аниқлай олганича йўқ. Афтидан у боксчи бўладиганга ўхшайди. Шашка доналари устида ҳам, мушти билан ҳам жанг қилишдан қайтмайди.

Афтидан, агар у шашка ўйнамаганида бирданига фанлардан беш баҳо ҳам олмаган, футбол ҳам ўйнамаган, маркалар коллекциясини ҳам тўпламаган, музика мактабида баян класси бўйича машғулотларга қатнашмаган ҳам бўлармиди. Лекин аниқ мантиқ ва жўшқин завқ-шавқ бир-бири билан пайванд бўлиб кетадиган худди мана шу ўйин ёш болани вақтни қадрлашга, воқеаларнинг бир-бири билан алоқасини идрок этишга, мўлжалланган мақсад сари боришга ўргатди. Бунинг устига ота-онасидан ибрат олдилар.

Фарзандлар Лидия Петровна билан Владимир Григорьевичга қандай мушкул ёшлик насиб бўлганлигини билишади. Улар онаси медицина ҳамшираси бўлиб етишиш учун қанчалик астойдил ҳаракат қилганлигини биладилар. У билан бирга хизмат қиладиган одамлар онага қандай ҳурмат-эҳтиром билан қарашларидан фахрланадилар. Тўнғич фарзандлар оталари ҳар якшанба куни сабоқ ўрганганлигини — кечки мактабни қандай қилиб тугатганлигини эслайдилар. Милиционер Владимир Логачевнинг ўқ тешиб ўтган бош кийимини ҳам унутишгани йўқ. Бир гал шундай воқеа содир бўлган эдики, жиноятчи унга қараб тиккасига ўқ узган эди...

Тўнғич фарзандларнинг тўрттови навбати билан ўз вазифаларини ўтайдилар — улар ўз навбатчилиги пайтида полни ювадилар, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келадилар, кир ювадилар кенжа укаларига қарайдилар. Инилари шашка диаграммаларини кўздан кечирса майлику-я, ахир, у ўз ошнаси билан муштлашиши ҳам мумкин. Гриша Юранинг сабоқларини ҳар куни албатта текшириб чиқади, Юра Наташанинг дафтарларини кўздан кечиради, Наташа эса Светлананинг дафтарлари устидан назорат қилади.

Албатта қилиниши керак бўлган ҳамма ишлар бажо келтирилганидан кейингина кечқурун бирор соат вақтни кўнгил хуш кўрган ўйинга сарфласа бўлади. Олти кишининг иштирокида кичкинагина турнир бошланади. Еттинчи киши — Логачева — оналари эса ўйиннинг ғолибига соврин тайёрлайди. Шуни айтиб қўйиш керакки, ўйинчиларнинг ҳаммаси ғолиб чиқишади, нега десангиз, ғолиб кишига бериладиган соврин пирог бўлиши мумкин.

Дарвоқе, бошқача соврин ҳам бўлган. «Мўъжизали шашка» Бутуниттифоқ мусобақасида дадаси Светланага махсус соврин ваъда қилган эди...

Лекин энди ҳаммасини батартиб ҳикоя қилиб бериш керак. «Мўъжизали шашка» — бу алоҳида мусобақа. Бу мусобақада ўн беш иттифоқдош республикаларининг, Москва ва Ленинграднинг энг яхши мактаб командалари иштирок этади. Бундай мусобақаларда қатнашиш учун мактаб командаси район, шаҳар, республика мусобақаларида ғолиб чиқиши, оғир синовдан ўтиши керак. Тошкентдаги 208-мактаб, кичкинтой Логачевлар ўқиётган мактаб бунга муваффақ бўлди. Уларнинг ўзлари яхши ўйнашганлиги учунгина эмас, Гриша, Юра, Наташа, Светлана шашкага бўлган меҳр-муҳаббатларини кўпгина тенгқурларига ҳам сингдира олдилар. Гриша билан бир синфда ўқийдиган Владимир Деркач ҳам биринчи разрядни «қўлга киритди».

Команда мана кимлардан иборат бўлганлигига бир назар солинг: биринчи тахтада — ўн тўрт яшар Гриша Логачев, иккинчи тахтада унинг тенгқури Володя Деркач, учинчи тахтада ўн икки яшар Юра Логачев, тўртинчи тахтада «Қизлар» тахтасида саккиз яшар Светлана Логачева. Владимир Григорьевич Логачевни команда вакили қилиб тайинлашди.

Шундай бўлдики, белоруссиялик шашкачилар билан бўлган охирги ўйинда биринчи ва тўртинчи тахталарда Гриша билан Светлананинг рақиблари мастерликка кандидат шашкачилар эди.

Гришанинг ўйини дуранг бўладиган ҳолатда эди. Агар бу шахсий биринчилик учун мусобақа бўлганида, у ўйлаб-нетиб ўлтирмасдан дурангга кўниб қўя қоларди. Лекин у отасининг нигоҳини кўрди. Унинг кўзларида: «Жанг қил, ўйла» деган маънони ўқиш мумкин эди.

Бош қотирди. Шашка донасини сурди. Унинг рақиби эса асабийлаша бошлади — камдан-кам жилмаядиган бу кўккўз болакай нимага эришмоқчи эканлигини тушунмасдан асабийлашарди. Дуранг қилишга ошиқиб, у ўзи сезмаган ҳолда хатога йўл қўйди... ва Гриша Логачев қўйган тузоқлардан қутилиб чиқолмай қолди.

Владимир Григорьевич эса Светлана ўйнаётган столча ёнига келди. Қизалоқ бамисоли уйидагидек ортиқча бош қотирмасдан ўйнарди. Шашка тошини суриб қўядида, атрофига назар ташлаб, ўзининг кучли рақибасига жилмайиб қўяди. Уни қизиқтириб қўйиш керак... Отаси ёнидан аста ўтар экан, қизининг қулоғига: «қўғирчоқ совға қиламан!» деб пичирлади.

«Хўп, бўпти!» — деб жавоб қайтарди малла сочли қизалоқ, тахта устида бош қотирар экан. Орадан ўттиз минут ўтгач мастерликка кандидат ўйин дуранг деб таклиф этди.

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Ўқув йилининг биринчи куни команда капитани тантанали линейкада мактаб директорига: «кумуш медални қўлга киритдик», деб маълум қилди. Шундан кейинроқ эса, Чилонзорга, отасидан кейинги иккинчи тренер — мастер Станислав Петрович Гуляев ҳузурига кирди. Унга 100 хонали рус шашкасини ўзлаштириб олишга кўмаклашган шу одам бўлади. Устозини дастлабки кандидатлик баҳоси билан қувонтирди.

Кенжаси — Владимир Логачев эса отаси билан биргаликда Ленин номли пионерлар саройига ўзининг тренери В. Апресян ҳузурига жўнади. Бу ерда унинг дастлабки бир йўла ўйин сеанси учун рухсат беришди.

Ўн битта тахта атрофида сеанс бераётган боладан ёши улуғроқ кишилар бош қотиришарди. Сеанс берувчи эса у столдан бу стол тарафга тез қадам ташлаб доналарни сурар, навбатдаги рақиби бош қотираётганлигини кўргач, деразага кўтарилиб, кўчага қарарди. Иккита тахтадагина ўйин дуранг бўлди, қолганларида Володя ғолиб чиқди.

Сеанс берган болакайга ажойиб соврин — Алифбе топширишди.

Г. ГОЛУБКИНА,
Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

СПОРТ

САККИЗТА ОЛТИН МЕДАЛЬ

Минскда классик кураш бўйича жаҳон биринчилиги қизғин давом этмоқда. Биринчиликда 33 мамлакатдан келган спортчилар қатнашмоқдалар. Улар курашнинг классик ва самбо эркин усуллари бўйича мусобақалашишмоқда. Совет спортчилари чемпионатнинг биринчи кунларидан бошлабоқ медалларга асосий даъвогар эканликларини яққол намойиш этдилар. Улар учрашувлар давомида ўз рақиблари устидан қатор ғалабага эришдилар. Командамиз составида классик усулда курашган ўн спортчидан 8 таси учрашувни муваффақиятли якунлаб олтин медални қўлга киритди. Команда ҳисобида ҳам СССР спортчилари биринчи ўринни эгалладилар. Болгариялик спортчилар эса иккинчи ўринни қўлга киритишди.

ЧЕМПИОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бир неча кун мобайнида Миланда давом этган гроссмейстерларнинг халқаро турнири якунланди. Бунда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов қаторасига бир неча бор ғалабага эришиб, финал учрашувда венгер гроссмейстери Лойош Портиш билан беллашди. Кескин спорт жанги билан ўтган гроссмейстерларнинг бу курашида жаҳон чемпиони битта ғалаба ва бешта партияда эса дуранг натижага эришиб турнир ғолиби бўлди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкентда рус шашкаси бўйича Ўзбекистон XXXV чемпионати мусобақалари бошланди. Шашкачилар орасида республиканинг бир неча бор чемпиони, спорт мастери Ш. Ёқубов ҳам бор. Моҳир шашкачилардан спорт мастери Г. Дрофман, тошкентлик мастерликка номзодлар В. Апресян, андижонлик Т. Исмоилов, Тошкент областидан Ю. Бобохоновлар қатнашмоқдалар. Турнирнинг биринчи кунидан бошлабоқ спорт мастери Ш. Ёқубов дастлабки муваффақиятни қўлга киритди. У қаторасига В. Митин ва Ш. Ҳасановларни мағлубиятга учратиб, турнир пешқадами бўлиб қолди. Шашкачилар 30 сентябргача беллашадилар.

* * *

Тошкент Медицина институтининг спорт залида волейбол бўйича Ўзбекистон 38-чемпионати ўйинлари ўтказилди. Биринчи ўринни «Динамо» спорт жамияти республика совети терма командаси эгаллади. Спартакчилар эса иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

* * *

Ўтган шанба ва якшанба кунлари Марказий армия спорт клубининг оғир атлетика Саройида волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида СССР ва Япония терма командалари 2-якунловчи ўйинни ўтказдилар. Биринчи учрашувда спортчиларимиз 3:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. Иккинчи учрашув ҳам 15:9 ҳисобида СССР командаси фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб, умумий тўрт учрашувда командамиз қатнашчилари ғалаба қозондилар.

ЦИРК АРТИСТЛАРИ — ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент Давлат циркининг Ҳ. Зарипова бошчилигидаги бир группа артистлари пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун Фарғона областига жўнаб кетдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Ҳ. Зарипова раҳбарлигидаги группанинг программаси ранг-баранг.

Фарғона водийси хўжаликларининг пахтакор ва чорвадорлари бир ой давомида цирк артистларининг чиқишларини томоша қиладилар. Группада полвонлар, қизиқчилар, чавандозлар шунингдек, дорбоз Ю. Махарашвили, Т. Гусаинов каби ёш санъаткорлар ҳам бор.

М. МИРРАЖАБОВ.

ЛИТВА ССР. Литва киностудиясида шу кунларда Жек Лондон романи асосида 3 серияли «Смок Белью» номли янги бадиий рангли фильм суратга олинмоқда. Лента Америка машҳур ёзувчисининг юз йиллигига бағишланади.

Фильм постановкачиси — Раймондас Вибалас. Музика — ёш композитор В. Ганилин қаламига мансубдир.

СУРАТДА: Фильмдан кадр.

ТАСС фотохроникаси.

ҚУЛАЙЛИКЛАР АДРЕСИ:

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

Агарда ўғлингиз ёки неварангиз суратини уйингизда олдирмоқчи бўлсангиз, ёки бўлмаса оилавий суратга тушиш истагингиз бўлса, Луначарский шоссеси 105-уйга жойлашган «Тошкент» фотостудиясига мурожаат қилишингиз мумкин. 66—57—54 телефони орқали буюртма берсангиз ҳам бўлади.

Тўй маросимларига ёки бирор йиғилишларга эстрада оркестрини буюртирмоқчи бўлсангиз Фигельский кўчаси, 9-уйга жойлашган «Тошкент серсиси» фирмасига мурожаат қилинг. Бу ерда 7 кишидан иборат оркестр сизнинг ҳожатингизни чиқаради. Бундан ташқари фирма ҳамшаҳарларимиздан тўй маросимлари учун «Таклифномалар ишлаб чиқариш учун ҳар буюртмалар қабул қилади.

* * *

Сизнинг хизматингизга ГАЗ-13 — «Чайка» ёки ГАЗ-24 — «Волга» маркадаги машиналар керак бўлиб қолса, Тошкент область агентлигига буюртмалар беришингиз мумкин. «Чайка» учун бир соатга 4 сўм 50 тийин, «Волга» машинаси учун 2 сўм 80 тийин тўланади. Ҳамшаҳарларимиз буюртмаларни 66—12—56, 66—12—75, 66—13—18, 66—16—71 телефонлари орқали ҳам буюртиришлари мумкин.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

Оқшомхонлар диққатига!

Газетага ўз вақтида обуна бўлишни унутманг.

Обуна баҳоси: бир йилга — 6 сўм.

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали қабул қилинади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17, 18|IX да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17|IX да **Кўнгли ёш қариялар,** 18|IX да **Хотинимнинг эри.** 19|IX да **Навоий Астрободда.**

КИНО

17 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», ҲАМЗА номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кечқурун).

Тош осмон остида — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Бобби — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тақдиримни излайман — «ХИВА».

18 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», ҲАМЗА номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Тош осмон остида — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Бобби — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уч бегуноҳ — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитетининг Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Таштекстильмаш» заводи қошидаги

87-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—1976 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди:

ТОКАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, РЕМОНТЧИ СЛЕСАРЛАР, ТУНУКАСОЗ СЛЕСАРЛАР, ФОРМОВКАЧИЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАР, ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАРИ, АВТОМАТИК ВА ЯРИМ АВТОМАТИК СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРЛАРИ, ДУРАДГОРЛАР.

Ўқиш муддати 1—2 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, формали кийим-кечак, иш ҳақининг 33 проценти билан таъминланадилар. Формовкачилик группасининг ўқувчиларига ойига 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ВА ТЕХНИКУМ ИШЛАЙДИ. АЪЛОЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ЙЎЛЛАНМАЛАР БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, мактабдан олинган характеристика, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни [якшанбадан ташқари] соат 8 дан 16 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Текстильная кўчаси (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвай, 2, 6, 18, 13, 15, 16-троллейбус, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобусларнинг «Соцгородск» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

155-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975— 76 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қолипчилар, пассажир вагонларининг проводниклари (узоқ йўлларга қатнайдиган поездларга). **Ўқиш муддати 1 йил.**

Вагонларни назорат қилувчи-ремонтчилар, слесарь-ремонтчилар **Ўқиш муддати 2 йил.**

Ҳаракатдаги состав учун слесарлар, (тепловозлар), электр газпайвандчилар, слесарь-ремонтчилар, электр ускуналарини тузатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёрлар, тепловозлар, дизель-поездлар, электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-ремонтчилар. **Ўқиш муддати — 3 йил.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҲАМДА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Қолипчилар группасида ўқийдиганлар ҳар ойда 40 сўмдан стипендия оладилар.

ВИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

ЎҚИШ ДАВРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар темир йўл ходимларига бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан, Совет Иттифоқининг хоҳлаган шаҳрига бепул темир йўл билети берилади.

Кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: паспорт, (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, отаси ёки онасининг иш жойидан справка, мактабдан ёки ишлаб чиқариш корхонасидан характеристика, 3х4 см. ҳажмидаги 8 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (олдинги 125-мактаб), 63-автобус, 5, 12-трамвайларнинг Фоменко кўчаси бекати). Телефон: 91-14-07.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ПОЯАФЗАЛЛАРНИ ТИКАДИГАН ВА РЕМОНТ ҚИЛАДИГАН УСТАЛАР ТАЙЁРЛАНАДИГАН

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10-синф ҳажмида маълумотли 16 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

ЎҚИШНИ ТУГАТГАНЛАР — «5 ДЕКАБРЬ» НОМИДАГИ ЯККА БУЮРТМАЛАР ТИКИШ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6—12 ОЙ.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, «Ўзбексельмаш» заводи — «1-Минг ўрик» кўчаси, 9-уй, ўқув комбинати (19-автобус, 2, 16-трамвайларнинг «Ўзбексельмаш» заводи бекати). «5 декабрь» номидаги якка буюртмалар тикиш фабрикаси — Баранов кўчаси, 54-уй, Телефонлар: 56-02-89, 56-06-66; шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси — Полковник Хўжаев кўчаси (собиқ Кисловодская) 80-уй. Телефонлар: 48-17-90, 48-15-75.

ТЕЛЕВИЗОР

17 СЕНТЯБРЬ— ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.05 Болалар учун. «Ассалом Москва». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.40 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.45 Ўсмирлар учун. «Старшеклассник». 19.25 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.40 «Фан программаси». Абу Наср Форобий туғилган кунининг 1100 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.10 Ўн минут музика. 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. Экранда— Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги. 21.10 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Ҳасанов, Т. Муллажонов ва Ўзбек Давлат филармониясининг солисти Моҳичеҳра Нурмуҳамедова концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Қизлар». Бадиий фильм. (ўзбекча). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.40 «Оталар шон-шуҳрати йўлидан». Совет халқи жанговар, меҳнат ва революцион шон-шуҳрат жойлари бўйлаб ёшлар юриши ғолибларининг VII Бутуниттифоқ слёти очилишига. 19.00 Янгиликлар 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Экран дўстлари чорлайди». СССР— ПХР. 20.45 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Омега» варианти». 3-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 Спорт программаси. 1. «Спортлото» тиражи. 2 Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 3. Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Учинчи программа. 20.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

18 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Пия ва Гвин». Мультфильм. 10.40 «Оталар шон-шуҳрати йўлидан». Совет халқи жанговар, меҳнат ва революцион шон-шуҳрат жойлари бўйлаб ёшлар юриши ғолибларининг VII Бутуниттифоқ слёти очилишига. 11.00 «Омега» варианти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.15 «Ҳозирги замон географларининг географик ихтиролари ва тадқиқотлари тарихидан». 15.40 «Горький— ишчилар синфининг кўйчиси». 2-кўрсатув. 16.35 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 17.05 «Поэзия». Янис Райнис. 17.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.00 Классик куйлардан концерт. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси 18.35 «Биз Финляндияда бўлдик» (ўзбекча). 18.55 «Мақтанчоқ чумоли». Мультфильм (русча). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (русча). **Москва кўрсатади.** 19.30 Спорт программаси. **Тошкент кўрсатади Ўзбек тилида:** 20.15 «Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин». 20.35 «Физкультура ва спорт». Тележурнал (русча). 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.25 «Пахтазор— мардлар майдони». 21.40 «Янги қўшиқ жаранглайди». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Ёзувчи Собир Абдулланинг ижодий портрети. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Ўзбекистоннинг ургимчаксимон ҳашаротлари». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (ўзбекча). **Рус тилида:** 12.00 «Кутб чегаралари». Телефильм. 12.25 «Ўзбекистоннинг ургимчаксимон ҳашаротлари». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 18.30 «Ярославлдаги уч учрашув». Телеочерк. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Топишмоқлар ва жавоблар». **Тошкент кўрсатади.** 19.30 Телевизион ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 20.15 «Стандарт ва сифат». 20.45 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Омега варианти». 4-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Ўзингизни синаб кўринг». Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Спорт программаси. 1. Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 2. Оғир атлетика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгиликлар.

Учинчи программа. 20.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

Октябрь район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда 109-мактаб коллективи шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Ғани НАБИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома
КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Р — 03617. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 4101.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.